



ADOLAT

№46
(698)
2008 йил,
7 ноябрь, жума

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

adolat_gazeta@mail.ru

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН — БОЛГАРИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг тақлифи биноан Болгария Республикаси Президенти Георги Парванов 5 ноябрь куни давлат таширифи билан мамлакатимизга келди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Болгария билан муносабатлар алоҳида ўрин тутади. Мамлакатларимиз бир-бирини ишончли шерик деб билади. Шу боис халқаро майдонда Ўзбекистон Болгарияни, Болгария Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаб келади. Хусусан, Ўзбекистон БМТ Ҳавфсизлик кенгашининг ноҳимий аъзоллигига, БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши аъзоллигига, Жаҳон сайёҳлик ташилотининг Ижроия кенгашига, ЕХТТ раислигига Болгариянинг номзодини ёқлаган. Болгария эса БМТда Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилишга доир резолюция муҳокамасида Ўзбекистон нуктаи назарини қўллаб-қувватлаган.

Мамлакатларимизнинг минтақавий ва халқаро муаммоларга қарашлари ўхшаш ва яқиндир. Хусусан, хавфсизлик ва барқарорликни мустақамлаш борасида Ўзбекистон ва Болгария раҳбарлари ҳамфикр. Мамлакатимиз раҳбарининг 2003 йили Болгарияга давлат таширифи асносида Георги Парванов ўз давлатини Ўзбекистон учун «Улкан Европа бозорига очилган кичик эшик» деб атаган эди. Ислон Каримов Ўзбекистон Болгария учун Марказий Осиёга дарвоза вазифини бажаришга тайёрлигини таъкидлаган.

Шу маънода Георги Парвановнинг мамлакатимизга давлат таширифини мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотларнинг минтақавий давоми, ўзаро муносабатларни янги поғонага кўтариш йўлидаги яна бир амалий қадам, деб аташ мумкин.

6 ноябрь куни Дўрмон қароргоҳида Болгария Республикаси Президентини расмий кутуб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Икки давлат мадҳиялари янгради. Ислон Каримов ва Георги Парванов фахрий қоровул сафи олдида ўтдилар.

Ўзбекистон ва Болгария Президентларининг яқма-яққа суҳбати бўлиб ўтди. Ислон Каримов ва Георги Парванов Ўзбекистон-Болгария муносабатларининг бугунги аҳоли ва истиқбол, ўзаро кенгайтирилган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Суҳбат чоғида Ислон Каримов ўшбу олий даражадаги учрашув ҳамкорлик қўламини янада кенгайтириш масалаларини атрофлича таҳлил қилиш ва муҳокама этиш учун яхши имконият эканини таъкидлади. Болгария Президентининг таширифи Софийанинг Тошкент билан ҳамкорликни ривожлантиришга улкан иштиёқи ва самимий истак-хоҳишининг амалий далили эканини қайд этди.

Георги Парванов Ўзбекистонга тақлиф этгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Болгарияда ўшбу таширифга алоҳида ҳозирлик қўрилганини, зеро, Ўзбекистон билан муносабатлар муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Президентлар ўшбу олий даражадаги учрашув икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлик истиқболига қатъий ишончини кўрсатишини қайд этдилар. Ҳамкорликнинг шу кунгача орттирилган бой тажрибаси ва иқтисодий имкониятлар барча соҳаларда икки томонлама шериклик алоқалари қўламини кенгайтириш учун пухта замин бўлиши таъкидланди.

Ўзбекистон ва Болгария раҳбарлари Афғонистондаги вазиятга алоҳида тўхталиб ўтдилар. Ислон Каримов бу муаммога Ўзбекистоннинг ёндашуви ҳақида сўзлаб, Афғонистонда тинчлик қарор топиши учун аҳолини қуролсизлантириш, тинч ҳаётга йўналтириш, одамларда бунёдкорлик ҳиссини уйғотиш, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, ислохларни босқичма-босқич олиб бориш ва амалий самаралар беришига эришиш

лозимлигини таъкидлади. 1997-2001 йилларда БМТ кўмағида самарали фаолият кўрсатган «6+2» мулоқот гуруҳини ҳозирги воқеликни инобатга олган ҳолда ва музокаралар жараёнида НАТО ҳам албатта иштирок этишини назарда тутиб, «6+3» гуруҳига айлантириш зарур.

Георги Парванов Ўзбекистон раҳбарининг бу муаммога оид нуктаи назарини юксак қадрлашди, Ислон Каримовнинг амалий тақлифлари муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Болгария расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга оид долзарб масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Таъкидлаш керакки, мамлакатларимизнинг иқтисодий салоҳияти ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик қўламини анча юқори. Икки томоннинг товарлар ва хизматлар рўйхатига назар ташлаганда, бизнес борасидаги алоқалар нисбатан суст эканлиги кўзга ташланади. Масалан, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида Ўзбекистон ва Болгария катта тажрибага эга. Поллиз маҳсулотлари етиштириш ва чорва селекцияси соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатилиши мумкин. Бу орқали озиқ-овқат ишлаб чиқариш, мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида фаолият юритадиган кўшма корхоналар тузишга ҳам янада кенг-роқ йўл очилган бўлур эди. Тўқимачилик ва фармацевтика саноати, кўнчилик, пойабзал ишлаб чиқариш — бугунги куннинг долзарб соҳаларидан. Булар сирасига қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, энергетикани ҳам қўшиш мумкин.

(Давоми 2-бетда).



✓ 2008 — Ёшлар йили

БАРКАМОЛ АВЛОД — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси, партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда Тошкент кимё технология институтини билан ҳамкорликда "Фаол ёшлар — жамият келажаги" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Партия фракцияси аъзолари, сиёсатшунослар, ўқитувчи ва талабалар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг мазмун-моҳияти ва юксак аҳамияти, Конституциямизнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ҳамда мамлакат тараққиёти ва ёшларнинг интеллектуал салоҳияти каби масалалар тўғрисида сўз борди.

— Мамлакатимизда бугун янги дунёқараш ва тафаккурга эга ёшлар камол топмоқда, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши раиси Исмоил Саифназаров. — Мустақиллик йилларида ёшларимиз юрт келажагининг мустақам таянчи ва суянчи бўлишга хизмат қилувчи юзга яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Айниқса, "Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар келажак авлод вакиллари ҳақидаги ғамхўрликнинг чинакам ифодаси бўлмоқда.

Дарҳақиқат, навқирон авлоднинг салоҳияти, истеъдоди юзга чиқиши учун кўмаклашиш борасида юртимизда олиб борилаётган ишлар қўламли, салмоғи тора ортиб бормоқда. Айниқса, Ёшлар йилида фан, спорт, санъат ва маданият соҳаларида ёшларнинг қобилиятини аниқлаш ҳамда ривожлантириш учун шароит ва имкониятлар

яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда самарали фаолият юритаётган турли вазирлик, идора ва муассасалар билан бирга жамоат ташкилотлари, жумладан, Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Партия ташаббуси билан ўтган йиллар давомида юзлаб тадбирлар ташкил этилди. Ҳатто чекка қишлоқ ҳудудларида ҳам истеъдодли ёшларни аниқлаш мақсадида турли кўрик-танловлар ўтказилиб, иқтидор эгалари рағбатлантириб келинмоқда.

(Давоми 2-бетда).

✓ Ижроқўм йиғилиши

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

кўзланган мақсад сари етаклайди

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократия партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия Кўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дастлаб "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг "Адолат" СДП учун аҳамия-

ти ва партиянинг бу сайловдаги ўрни тўғрисида"ги масала кўриб чиқилди. Ўшбу масала юзасидан партия Сийёсий Кенгаши раиси Исмоил Саифназаровнинг маърузаси тингланди.

Азалдан ўзбек маҳаллалари чинакам миллий қадриятлар маскани бўлиб

қолган. Ўзаро меҳр-оқибат, тотувлик, ҳамжихатлик, тўй-томоша ва маракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар, авваламбор, маҳалла муҳитида шаклланиб, ривожланган.

(Давоми 2-бетда).

7 кун нафаси

2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида бу йил Сурхондарё вилоятида 56 та мактаб капитал реконструкция қилинди. Яна 81 та мактаб капитал таъмирдан чиқарилди. 4 та янги мактаб қурилди. Жумладан, яқинда Денов туманидаги Янгиобод маҳалласи аҳоли 1 миллиард сўмлик маблағ эвазига бунёд этилган 67-санатория мактабининг фойдаланишга топширилишини кенг нишонлашди.

Мамлакатимизда фуқаролик йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари бошланди. Яқинда ана шундай сайловлардан бири Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманида жойлашган Янгиобод маҳалласида бўлиб ўтди. Унда маҳалла оқсоқоллигига ўнга яқин номзод қўйилиб, шундан уч нафари танлаб олинди. Бу учликдан энг сара номзод — Азамат Шерназаров маҳалла оқсоқоли этиб сайланди.

Хоразм вилоятидаги ноғиронларни тиббий-ижтимоий ва касбий йўналтириш бўйича соғломлаштириш марказида ахборот-ресурс маркази очилди. Мазкур янги тармоқда мингга яқин адабиёт жамланган. Уларнинг мазмун-моҳияти ноғиронлар саломамлигини тиклаш, уларнинг ҳаётий имкониятларини кенгайтиришга қаратилган.

Жиззах шаҳрида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришда "Ўзмиллийбанк"нинг кўмағи" мавзуида семинар бўлиб ўтди. Унда вилоят қишлоқ ҳўжалигига саноати, янги техника ва технологияларни олиб киришда Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг Жиззах вилояти бўлими қўшаётган улуши ҳақида гап борди.

БУГУНГИ СОНДА ЎҚИНГ!

ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон ва Болгария қўллаб соҳаларда улкан салоҳиятга эга давлатлардир.

2-
бетда

МИНГ МЕТР БАЛАНДЛИҚДА



"Боинг" компанияси водород ёнилғисидан учувчи самолётларни синавдан ўтказди.

3-
бетда

ОНА ТУПРОҚ

қадрли шунчалик юксак, шунчалик эъзозлидир!



4-
бетда

✓ Партиядошларимиз

АМУДАРЁЛИК САФДОШЛАР

туман Кенгашига бирлашиб, партиянинг обрўсини оширмоқда, эл соғлигини сақлашдек муҳим ишга муносиб улўш қўшаяпти

Уни "дўхтир", дейишади. Кўча-кўйда кўриб қолишса, кўпчилик қўлларини кўксига қўйиб, дарҳол у билан сурашишга ошиқшади. Ёш бўлса ҳам кўпчиликка бош бўлган, одамлар назарига тушган бу партиядошимиз аслида шундай обрў-эътиборга фақат касб-кори тўғрисида эришгани йўқ. У камол топан оиладаги мухит, ўқиган мактабдаги турли тарбия ва чор атрофидаги эл-юрт ишига камарбаста инсонларнинг бунга тасири кучли бўлган. Қолаверса, ўзи ҳам эзгу мақсадлар йўлида тиниб-тинчимаган.

Шу ўринда озгина чекин... Хозир Амударё нафакат Қорақалпоғистон Республикасида, балки бутун мамлакатимиздаги пешқадам туманларнинг бири. Худудда сув танқислиги, қолаверса, табиий шароитнинг ҳам огирлиги ҳаммага маълум. Ана шундай шароитларга қарамай, амударёликлар ислохотларни изчиллик билан амалга ошириб, фидойилик кўрсатиб, барча соҳаларда салмоқли натижаларга эришмоқдалар. Жорий йилда айниқса, пилла, ғалла, пахтадан мўл ҳосил кўтарил-

ди. Эришилган ютуқлар туман ҳокими Ражаббой Йўлдошевнинг ишни тўғри ташкил этиб, кўпчиликни бир мақсад сари йўналтираётганининг, эл ҳамжихатлигини таъминлаётганининг ҳосиласи бўлса, ажаб эмас. Раҳбар дегани ташкилотчи бўлиши керак-да. Шундан бўлса керак, туманда ҳамманинг ўз юмуши, хизмат вазифаси бор. Хар ким ўз ишини, нима қилишни яхши билади. Меҳнатдан келган бойлик юртин оёбод этишга, эл фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Янги лойиҳалар янги соҳаларнинг юзга келишига йўл очаяпти. Аҳолининг иш билан бандлиги ортиб бормоқда.

Амударёда ижтимоий соҳа, айниқса, тиббий хизмат кўрсатишни юксалтиришга ҳам эътибор баланд. Бугунги кунда бу ерда 560 ўринли марказий шифохона, тез тиббий ёрдам бўлими ишлаб турибди.

(Давоми 2-бетда).

✓ Кучли фуқаролик жамияти сари

ЭНГ МУНОСИБЛАРИ САЙЛАНМОҚДА

Бугунги кунда Навоий вилоятида 339 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мавжуд. Жумладан, 42 та қишлоқ фуқаролар йиғини, 3 та шаҳарча фуқаролар йиғини, 16 та овул фуқаролар йиғини ва 74 та шаҳар фуқаролар йиғинлари фаолият олиб бормоқда.

Халқ орасидан сайланган маҳалла раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловдан сайловгача бўлган вақт ичида маҳалла ободлиги ва тинчлиги йўлида ибратли ишларни амалга оширишди. Айни пайтда эса муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир палласидамиз. Негаки, халқимизнинг эртанги кунини ўқини қайғурдиган маҳалла раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари ўринларига муносибларини сайлаш ишлари қизгин олиб боришмоқда. Сайловни уюшқоқлик билан ўтказишда амалга оширилиши ло-

зим бўлган устувор вазифаларни белгилаб олди. Тегишли орган ва идораларга бу масалалар бўйича тақлифларимизни ва хар бир фуқаролар йиғинлари раислигига (оқсоқоллигига) уч-тўрт нафардан номзодларни тавсия этдик.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2008 йил 30 сентябрдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоятда барча ташкилий ишлар кўнгилдагидек ҳал этилди. Сайловга доир иш режалари, тадбир дастурлари ишлаб чиқилди. Шунга мувофиқ, маҳаллий депутатлар, халқ ҳокимияти вакиллари, аҳолининг илгор қатламидан вакилар қўмакка жалб этилди.

(Давоми 2-бетда).

✓ Қарор ва ижро

ШАРОИТ
ТЎКИС БЎЛСА

ҳар қандай иш ривож топади

Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик маъмуричилик омилиларидан ҳисобланади. Шу боис, мазкур соҳаларни ривожлантириш доим ҳукуматимиз эътиборида бўлиб келмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг "Шахсий, ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларидан чорва моллари қўпайтиришни рағбатлантиришни қўпайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори амалда ижобий натижалар бермоқда.

Бу борада Сурхондарё вилоятида ҳам ибратли ишлар олиб борилмоқда. Айни пайтда 14 та туманда чорвачиликни янада ривожлантириш мақсадида "Ихтисослаштирилган ем тарқатиш бирлашмалари" ташкил этилди. Қизилқум туманида бу борада амалга оширилган ишлар билан танишар эканмиз, "Бўстон" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Холбой Эшқувватов ва "Яккатерак" маҳалласи оксоқоли Худойберди Хасановлардан тегишли маълумотларни олдик.

Маҳалла раислари ва чорвачилик мутахассислари билан хонадонлардаги йирик ҳамда майда шохли чорва молларини санокдан ўтказиш, — дейди Холбой Эшқувватов. — Молларнинг ёши ва турига қараб, уларга зооветеринария рақсонлари асосида қулиқ омухта ем нормаларини ҳам тузиб чиқаямиз. Шундан сўнг белгиланган норма ва тавсияларни ихтисослашган ем тарқатиш бирлашмасига тақдим қиламиз. Шунингдек, маҳаллалараро омухта ем сотиш дўконлари ташкил этилди. Бу аҳолига жуда катта қулайлик туғдиришмоқда. Чунки авваллари одамлар молларига ёмни туман марказидан хусусий ем дўконларидан анча қиммат нархда сотиб олишарди. Бунинг устига 20-30 километрча йўл босиб, машинага йўл қира бериб, ҳар бир килограмм ем баҳоси учун 550-600 сўмгача тўлашарди.

— Тўғри, — сўзга қўшилди Худойберди ака ҳам, — ҳукуматимиз қайси соҳага ғамхўрликни қўпайтирса, унга булган муносабат ҳам шу қадар ижобий томонга ўзгариб, натижаси самарали бўлаяпти. Ҳозир ҳар бир хонадон чорва туёғи сонини қўпайтиришга, ундан олина-

Турсун МАҲМАДАЛИЕВ,
"Адолат" мухбири.

КОРХОНА ҚУВВАТИ ОШДИ

Жиззах шаҳридаги "Заргарлик" кичик корхонасининг ишлаб чиқариш қуввати сезиларли даражада ошди. Суткасига 10 минг дона қўлпили нон ишлаб чиқариш қувва-тига эга бўлган печ қайтадан таъмирланди. Бунинг эвазига корхона ўтган ойда муассасаларга 36 минг дона нон етказиб берди. Бундан ташқари, 28 та чакана савдо дўкони ташкил этилди. Бу савдо растаналарига шу кунга қадар 45 миллион сўмлик сифатли нон маҳсулотлари етказиб берилгани корхона иқтисодий барқарорликка юз тутганидан далolat.

Мукимбой ИСМОИЛОВ,
"Адолат" мухбири.

✓ Фаолият

АРХИВЛАР ТАРИХДАН
СЎЗЛАЙДИ

Ҳар қандай давлатда истиколат қилаётган халқлар тарихи ва бугунини ўрганишда архивда сақланаётган ҳужжатларнинг аҳамияти беқийс. Шу боис мустақиллик йилларида мамлакатимизда соҳага эътибор сезиларли даражада қўйилди. Чунинчи, вилоятимизда ҳам "Узрархив" агентлиги билан ҳамкорликда қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Ҳокимликлар кўмаги билан вилоят давлат архиви хузурида дастлаб архивлар тарихи музейи ташкил этилди. Ундан халқимиз ўтмишини ҳикоя қилувчи ранг-баранг экспонатлар ўрин олди. Бундан ташқари, ҳокимликларнинг иш шароитларини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, вилоят давлат архиви биноси тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилиб, қулай иш шароитлари яратилди. Ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш, қайта таъмирлаш,

муқовалаш ҳамда сақлов бирлигини йўлга қўйишга эришилди.

Шунинг айтиш керакки, истиқлолгача давлат архиви ишларида сусткашликларга йўл қўйиларди. Негаки, бой тарихимизга, маънавиятимизга бепасандлик билан қараш мавжуд эди. Масалан, катта ҳудудга эга вилоятимизда фақат Ғузор, Қарши ва Шахрисабз туманларидагина давлат архиви фаолият кўрсатарди.

Шукурки, бугунги кунда бундай салбий ҳолатларга бутунлай барҳам берилган. Айни пайтда вилоят давлат архиви, унинг жойлардаги 6 та филиали ҳамда 14 та идоралараро шахсий таркиб ҳужжатлари архивлари иш олиб бораёпти. Уларда 200 га яқин шу соҳанинг биринчи хизмат қилмоқда.

Вилоят давлат архиви ва унинг жойлардаги филиаллари моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳара-

кат қилаёмиш. Биргина интернет тармоғини ташкил этганимиз фаолиятимизни анча жонлантирди. Ҳозир ҳужжатларнинг электрон нусхаларини яратиб устида иш олиб бораёмиш. Натижада шу кунларда 1956 та фондида 197 мингдан зиёд муҳим ҳужжатлар сақланмоқда. Улар орасида XVII асрга оид тарихий ҳужжатлар борлиги ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Биз қатор ташкилот ва муассасалар, шунингдек, олимлар билан ҳамкорликда фаолият юритмоқдамиз. Бу ҳам архив ишларини самарали олиб боришда қўл келмоқда.

Архивлар — ўтмиш билан бугунчи бовечна қўриқ, деб бежизга айтилмайди. Зеро, ўтмишнинг ўрганилган халқ қудрати янада юксалаверди.

Абдурашид БЎТАЕВ,
Қашқадарё вилояти ҳокимлиги архив иш хулуудий бошқармаси бошлиғи.



Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.

✓ Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда

Косонсой Наманган вилоятининг энг илғор тумани. Табиати сўлим, ҳавоси тоза. Чотқол этакларига ястанган ерлари ҳосилдор. Боғлари эса, меванинг қони. Одамлари, наққош, ганчкор, ўймакор — ҳунарманд. Туманнинг қоқ бағридан оқиб ўтган Косонсой бу элга берилган неъматларнинг неъматидир. Кун тафти сезилган баҳордан то кеч қузақкача сой ёқалаб тизилган чойхоналарнинг сўрилари дам олувчилару, гап-гаштак ишқибозларидан бўшамайди. Шу боисдан туман иқтисодиётида аҳолига маиший хизмат кўрсатилишининг сало-моғи бўлади. Айтмоқчи бўлганимиз, бу ерда тадбиркорлик кенг қўлоч ёзган.

Айниқса, мустақиллик йилларида Косонсой янада ёшарди. Обод, сўлим ва озода манзилга айлан-ди. Вилоят марказидан тумангача бўлган йўллар тўбдан қайта қурилди. Йўлнинг икки ёқаси бўйлаб замонавий кўркам бинолар қад ростлади. Ишсизлик ташвишини бартараф этувчи бир қатор дастурлар ҳаётга татбиқ этилди. Кам таъминланган оилалар ҳолига яровчи ҳиммати баланд кишилар қўлайди. Улар "ночорга балиқ эмас, қармоқ бер, қарғиз у сендан бошқа балиқ сўрама-син, балки балиқни сен берган қармоқда ўзи тут-син", қабилда кўп хайр-ли ишлар қилишди. Жум-ладан, юзлаб кам таъмин-ланган оилаларга қорамол олиб берилди. Яна қанча дасти калта деҳқонлар учун бунак пуллари, иш-тиёқмандларга тижорат ёҳуд сервис хизматлари-ни йўлга қўйишлари учун минни кредитлар ажратил-ди. Йўлга қўйилган бу ка-би маъмуричиликлар пи-ровардида ижтимоий ҳаётнинг бошқа жабҳа-лари ҳам сезиларли ўсди, ривож топди. Айниқса, соғлиқни сақлаш тизими-даги ҚВПлар аҳолининг юқори суратда яхшилани-ши қишлоқда яшовчилар-нинг олқишига сазовор бўлди. Қолаверса, таълим соҳаси, хусусан, мактаб умуммиллий Давлат дас-тури масалалари, шунинг-дек, ўрта махсус, касб-

хунар муассасаларидаги моддий-техника базаси-нинг яхшиланиши ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик-нинг ёрқин намунасидир. Эндилликда тумандаги қайси бир ҚВП ёҳуд касб-хунар коллежига борманг, баҳри дилингиз очилиб қайтасиз. Бир сўз билан айтганда мустақилликнинг майин, фарахбахш эпкини Косонсойнинг ҳар бир гўшасини сийпалаб ўтаётганидан мамнун бўласиз.

Тумандаги тиббиёт колле-жи бундан ролпа-рос 27 йил бурун ташкил этилган эди. Ҳозиргача бу даргоҳ-да етти мингга яқин ўрта бўгин тиббиёт ходимлари етишиб чиқди. Уларнинг барчаси вилоятнинг турли-ли ишлар қилишди. Жум-ладан, юзлаб кам таъмин-ланган оилаларга қорамол олиб берилди. Яна қанча дасти калта деҳқонлар учун бунак пуллари, иш-тиёқмандларга тижорат ёҳуд сервис хизматлари-ни йўлга қўйишлари учун минни кредитлар ажратил-ди. Йўлга қўйилган бу ка-би маъмуричиликлар пи-ровардида ижтимоий ҳаётнинг бошқа жабҳа-лари ҳам сезиларли ўсди, ривож топди. Айниқса, соғлиқни сақлаш тизими-даги ҚВПлар аҳолининг юқори суратда яхшилани-ши қишлоқда яшовчилар-нинг олқишига сазовор бўлди. Қолаверса, таълим соҳаси, хусусан, мактаб умуммиллий Давлат дас-тури масалалари, шунинг-дек, ўрта махсус, касб-

мавқеи баланд эди-ю, аммо... Туб қишлоқ бунинг устига деярли юз фоизи ўзбек ёшлари таълим ол-гани кредитлар ажратил-ди. Йўлга қўйилган бу ка-би маъмуричиликлар пи-ровардида ижтимоий ҳаётнинг бошқа жабҳа-лари ҳам сезиларли ўсди, ривож топди. Айниқса, соғлиқни сақлаш тизими-даги ҚВПлар аҳолининг юқори суратда яхшилани-ши қишлоқда яшовчилар-нинг олқишига сазовор бўлди. Қолаверса, таълим соҳаси, хусусан, мактаб умуммиллий Давлат дас-тури масалалари, шунинг-дек, ўрта махсус, касб-

БЎЛАЖАК ШИФОКОРЛАР
МАСКАНИ

Шукурки, бугун аҳвол ўзгача. Коллежда 89 нафар олий маълумотли устоз-муаллимлар ёшларга касб сирларини чуқур ўргатиш-моқда. Уларнинг қарийб 30 нафари олий, яна ўттизга яқини 1-тоифали ўқитувчи-лардир. Нашрлар масаласи-га келсак, коллеж кутубхо-насининг сал кам ўттиз мингга яқин китоб фонди



бўлиб, уларнинг деярли 70 фоизи ўзбек тилидаги со-ҳага доир китобларни таш-кил этади. Бундан ташқари шу йилнинг ўзида "Умумтаъ-лим фанлари" бўйича юз фоиз ўқув адабиётлари олиб келинди. Яна бир қув-онарли жиҳати коллеж ўқитувчилари орасида тиб-биёт фани бўйича дарслик яратилган турли талайгина. Ма-салан, ўқитувчи Қодир Ино-мовнинг "Ҳамширалик иши" фани бўйича тўзган дарс-лигидан наинки мазкур дар-гоҳда, балки республика тиббиёт коллежларида ҳам кенг фойдаланилмоқда. Ёки яқинда коллеж директори Муҳаммадхон Азизов ҳамда

дарслиги эса соҳадаги яна бир янгиланишга йўл очди. Энг муҳими, мазкур дарс-ликларнинг ўзбек тилида, ўзбек боласининг онгу шу-урига мос тарзда яратил-ганлиги таҳсинга сазовор. Зеро, бу хайрли ишлар тил-лимизнинг ижтимоий роли-ни қучайтиришда муҳим ўрин тутди.

Машҳур гуманист ёзувчи Эразм Роттердамский би-рор бир мамлакатнинг би-рор вилоятига бормоқчи бўлса, ўша вилоят лажа-сини (тил эси, лаҳжа) ўрганиб, кейин йўлга чиқар экан. Умуман эйла, ўзини таниган одам, ўзга тилга шундай ҳурмат билан

қарайди. Айтмоқчи бўлгани-миз, коллежда хорижий тил-ларга қизиқувчилар талай-гина. Ҳозир бу ерда рус тил-лидан ташқари яна 4 та хо-рижий тил ўргатилмоқда. Бунга мос замонавий воси-талар, хусусан, меъёрида жи-ҳозланган лингафон хона-лари ишлаб турибди. Бу-нинг самараси талабалар ўртасида ўтказилаётган фан олимпиадаларида яққол на-моён бўлмоқда.

Дарвоқе, илгари колле-жда биргина "Ҳамшира-лик иши" бўйича мутахас-сис тайёрланарди. Бугун-га келиб унинг қаторига "Даволаш иши" ҳамда "Акушерлик иши" мутахас-сисликлари ҳам қўшилди. Бу ишлар учун 2002 йил-дан ҳозирга қадар ўзига хос база шакллантирилди. Коллеж биноси 1335 ўқувчи ўрнига мослаб, қайта реконструкция қилинди. Шу муносабат билан мавжуд 61 та фан хонасидаги аҳвол тўбдан яхшиланди. 3 та информа-тика, 8 та лаборатория хо-наларидаги имкониятлар жаҳон андозалари талаб-ларига мосланди. Айниқ-са, Япония гранти ҳисоби-га "Ҳамширалик иши" фани ўқув-тренинг хонаси таш-кил қилиниб, унга энг сўнгги замонавий тиббий ускуналар келтирилди. Эн-дилликда бу ерда клиник лаборатория ўлчовлари асосида реакциялар ўтка-зиш имкони яратилган.

Коллеж талабалари учун хизмат қилаётган 400 ўринли ётоқхона ва унинг атрофида жойлашган 2 та волейбол, 2 та баскетбол, 1 та қўл тўпи, 1 та футбол майдончалари ҳақида гап

кетгудек бўлса, бу ерда тахсил олаётган ёшларга беихтиёр ҳавас қиларга киши. Айниқса, китобсе-варлар учун ташкил этил-ган кутубхонадан, у ерда яратилган шарт-шароит-дан қўлчилик мамнун. 120 ўринли фаоллар зали улар-дан қўлчилик, тадбир-лар чоғида талабалар би-лан гавжум бўлади. Гап-нинг сирасини айтганда, бу ерда ўқиш, изланиш, бир кун келиб эл қорига яраш истайдиги ҳар бир ёшга етарли шароит мав-жуд.

— Коллежимизда муста-қиллик руҳиятида тарбия-ланаётган ўзига хос ёшлар етиляпти. Уларнинг маъ-навий дунёқарашини шакл-лантатиш учун бор имко-ниятимизни ишга солаёми-миз, — дейди коллеж ди-ректори Муҳаммадхон Азизов. — Масалан, мунта-зам ўтказиб борилаётган "Қизлар давраси", "Қувноқ-лар ва зукколар", "Сиз та-рихни биласизми?", "Сиз қонунни биласизми?", "Брейн-ринг" ва бошқа дав-ра суҳбатларининг мазмун-моҳиятида ёшлар қалбида юрт иши, Ватан ифтихо-рини ўйғотувчи мотивлар ўрин олган.

Ҳа, дарҳақиқат, энг ав-вало ҳар бир ёшни мана шу юрт, мана шу замин-нинг мафтунига айлантир-май туриб, уларнинг қоридан самар қўриш қийин. Зотан, элни суйган, юртга муҳаббат қўйган одамгина унга сидқидилдан хизмат қилади.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
Савдолик АБДУРАҲМОНОВ,
"Адолат" мухбири.

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ
ПАСАЙДИ

Жорий йилнинг учинчи чорагида Хитойда иқтисоди-дий ўсиш кўрсаткичларининг пасайиши кузатилган.

Мазкур давлат статистика бюросининг ҳисоб-китобла-рига қўра, сўнгги чорада иқтисодий ўсиш кўрсаткичи бор-йўғи 9 фоизни ташкил этган, ҳолос. Бу аввалги чорақ билан солиштирилганда 1,1 фоизга кам. Бюро раҳбарининг билдирishiча, глобал молиявий инқироз Хитой иқтисоди-га ҳукумат қутганидан ҳам кўпроқ таъсир қўсатган. Кела-жақда пўлат нархларидан тортиб, уй-жой савдосига қадар иқтисодий инқироз кузатилиши эҳтимоли ҳам бор.

Ҳукумат бу жараёнинг олдини олиш ва глобал кредит инқирози таъсирини юмшатиш учун қатор чораларга қўл урган. Хусусан, солиқларни камайтириш ва сармоя инф-ратузилмасини қучайтириш масалалари қўрилмоқда. Шу-нингдек, уй-жой бозорининг айрим тармоқларида ҳам назоратни қучайтириш борасида иш олиб борилмоқда.

МИНГ МЕТР БАЛАНДЛИҚДА

"Боинг" компанияси во-дород ёнлигисидан учувчи самолётларни синовдан ўтказди, деб хабар беради "Франс Пресс" ахборот агентлиги.

Бу компания учун тари-хий ютуқ, дея баҳоланмоқ-да. Синовдаги водород-са-молёт қарийб минг метр ба-ландликда муваффақиятли парвоз қилган.

2007 йилнинг охиридаёқ компания маъмурияти ўзи ўт олувчи тўрт цилиндрли водород двигатели яратилгани ҳақида хабар таркатган эди. Ҳозир ушбу қўрилма режаси асосида 20 километр баландликда 910 килограмм оғир-ликни қўтара оладиган "Боинг" русумидаги учувчисида бошқариладиган разведкачи самолёт яратилмоқда, дейилади айрим манбаларда.


СЎНГГИ «ГУВОҲ»ЛАР
СОТИЛАДИ

Машҳур "Титаник" кемаси ҳалокати вақтида йўлов-чининг тўхтаб қолган чўнтак соатлари халқаро аук-ционга қўйилади деган бўлди.

Улар ҳалокатнинг энг сўнгги гувоҳи — Лиллиан Эсплун-дининг отасига тегишли бўлган.

Соат миллилари ярим тунги иккидан ўн тўққиз дақиқа ўтганини кўрсатиб турибди. Айнан шу вақтда Англиядан Америка Қўшма Штатлари томон йўлга чиққан кема чўка бошлаган. Лиллианнинг отаси соатсоз уста Карл Эсплунд ва унинг уч нафар акиси ҳалокат пайтида қўчиб кетишган. Беш ёшли Лиллиан эса қутқарув қайиқлари-дан бирига чиқиб олиб, жон сақлашга эришган. Соатлар ҳам ана шу қизчада бўлган.

Аукционда чўнтак соатлари билан бирга "Титаник"ка чиқиб учун тарқатилган 4 та йўл чиптаси ҳам сотувга қўйилди. Ушбу буюмларнинг бошланғич нархи 300 минг АҚШ доллари этиб белгиланган.



✓ Қилмиш-қидирмиш

ҚЎЛБОЛА МОЙЖУВОЗ

фош этилди, лекин ким унга хомашё етказиб берди

грамм ўсимлик ёғи, 224 ки-лограмм қунжара ва 200 ки-лограмм чигит, жами 443,2 минг сўмлик товар-моддий бойликлар далилий ашё та-риқасида олиб қўйилди. Бу ҳам етмагандек, Р.Умур-зоков мойжувоз ускунасини ўзбошимчалик билан электр тармоғига ўлаб олиб, мунтазам равишда фойдаланиб келган.

Мазкур ҳолат юзасидан Р.Умурзоковга нисбатан Жиноят Кодексининг 186-2-моддаси 1-қисми билан жи-ноий иш қўзғатилди. Туман судининг ҳукмига асосан унга нисбатан олийк иш ҳақидан 20 фоиз ундириш шарти билан 2 йил муддат-га ахлоқ тузатиш жазоси тайинланди. Қўриб турга-нингиздек, жиноятчиға қонунда белгиланган тар-тибда жазо тайинланди. Бироқ, масаланинг яна бир нозик томони бор. Р.Умур-

Шайхиддин ЖАББОРОВ,
Бош прокуратура хузуридаги СВОЖЖДЛКК
Департаментининг
Гулистон тумани бўлими суриштирувчиси,
3-даражали юрист.

ОНА ТУПРОК

Бу воқеага анча бўлди. Биз — бир гуруҳ саяхатчилар Туркиянинг Истанбул кўчаларида ватандошларимиз билан учрашиб қолдик. Улар уйларига меҳмон бўлишимизни илтимос қилишди. Меҳмондорчилик охирида раҳматли Мусохон ака мезбонларга эсалик учун Тошкент чинни заводидан тайёрланган косани совға қилди. Шунда улар шу косани майда қилиб синдириб, синиқларини кўзларига суриб, рўмолчаларига ўраб, кўкрак чўнтакларига солиб қўйишди.

— Худога шукр! Она юртимизнинг лойидан тайёрланган чинни синигини кафанимизга қўйишса, ватангадолигимиз унут бўлиб, тинчгина кўзимизни юямиз! — дейишди сўнг улар.

Эрон шоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавий Оятулло Хумайни инқилоби зарбидан қочишга мажбур бўлганида, ўзи бошқарган "Боинг-710" самолётига кўп миллионлик бойликларга қўшиб, бир хўмчада эрон тупроғини ҳам олиб кетган. У мусофирликда вафот этганида, ана шу тупроқ унинг қабрига солинган экан. Шу хабарни газетада ўқиганимда бир хабаш ёзувчисининг ҳикоясини эсладим.

XX асрнинг 30 йилларда икки инглиз саяхатчилари келиб, Африка императори Хайле Селасие Негус рухсати билан, бутун Ҳабашистонни айланиб чиқишди. Сафар сўнггида саяхатчилар Нил дарёси қирғоғида кемага ўтириш

олдидан хизматда бўлган хабашлар уларга пойафзалларини ечишларини илтимос қилишди ва яхшилаб артиб, тозалаб, ялтиратиб беришди. Холис хизматдан мамнун инглизлар иш ҳақи сифатида 2 фунт стерлинг узатишди. Аммо хизматчилар пулни олишмади.

— Нега, пойафзалларимизни тозалаб бердиларинг-ку? — деган саволга, улар: "Ота-боболаримизнинг арвоҳ-чанглари мусофирликда хор бўлмасин, деб шундай қилдик", — деб жавоб беришди.

Бухоро амирами — Амир Олимхон инқилобдан қочиб, Афғонистонда яшаган. 1947-1948 йилларда Сталинга хат билан "Мен қаридим, бир-икки йиллик умрим қолгандир. Илтимос қиламан, менга Ватанимга қайтишимга рухсат берсангиз, она юртимдаги ота-боболарим қўмилган мо-



зорга мен ҳам қўмилсам" деб мурожаат қилган. Рад жавоби келгандан кейин Амирнинг тилагини билган бир фуқаро унга бир халтачада Бухоро еридан тупроқ олиб келиб беради. Шунда хурсанд бўлган Амир ота-боболарида мерос бўлиб қолган қиммат-баҳо ноёб узукни унинг қўлига тақди.

— Раҳмат ўғлим, сенга! Катта савоб иш қилдинг. Энди мен ватангадо бўлмай, тинч кўзимни

✓ Ватан — саждагоҳ

юмаман, — деган экан.

Искандар Зулқайнар (Александр Македонский) Ҳиндистонга қилган юриш чоғида вафот этганда, мурда тобутини асалга тўлдириб, Македонияга олиб келишган.

Улуғ Бобур Афғонистон-у Ҳиндистонни забт этиб, подшолик қилганда ҳам унинг кўз олдида Фарғона водийси, тоғу-тошлари турган.

Кубада, тўғрироғи Сарагес ден-

гизда угор (илон) балиқлар туғилиб, Гольфштрим иссиқ сув оқими билан Европа дарё ва кўлларида келади ва 6-7 йил яшаб, вояга етганда яна ўзлари туғилган Сарагос денгизига қайтиб, туҳум қўйгач, жон беришди. Худди шу усулда қизил икра берадиган лососё балиқлари ҳам яшайди.

Ха, она тупроқ қадри шунчалик юксак, шунчалик эъзозлидир! **Ғофур ЖҲҲАЕВ.**

САМАРҚАНДДА ХАЛҚАРО ФОТОКЎРГАЗМА

Аввало шунинг таъкидлаш лозимики, шаҳардаги Ўзбекистон маданияти ва тарихи музейида уч кун давомида зўр муваффақият билан намойиш этилган мазкур фотокўргазмани минглаб кишилар хайрат билан томоша қилдилар. Суратларда акс эттирилган ёрқин ҳаётлар катта спортнинг жаҳонаро шухрати-дан, тинчлик, дўстлик элчиси сифатидаги голибона қадамлари-дан далolat берди.

"Reuters" халқаро ахборот агентлигининг етакчи фотоусталари томонидан тақдим этилган 150 дан зиёд суратлар Пекинда бўлиб ўтган 2008 йилги халқаро олимпия ўйинларининг шиддаткорлигини, турли миллат спортчиларининг ғалабага бўлган иштиёқини намойиш эта олган. Нуфузли мусобақанинг 6 та медалини қўлга киритган ўзбекистонлик спорт юлдузлари ҳам кўргазмадан муносиб

жой эгаллашган. — Ўзбекистон маданияти ва тарихи музейининг залларини беэзаган фотокўргазма ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда беқубо аҳамиятга эга, — дейди унинг ташкилотчиларидан бири МТС ОАЖнинг масъул ходими Икром Ҳақбердиев. — Келгусида бу каби оммавий-маданий тадбирларда янада фаол иштирок этиш ниятимиз бор.

ЯНГИ ИСТЕЪДОДЛАР КЎРИГИ

Самарқанд шаҳридаги "Ёшлар саройи"да "Янги авлод" республика болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичи якунланди.

Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми жағмараси ҳамда "Камалак" болалар ташкилоти ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган мазкур анжуман тасвирий ва амалий санъат, ҳайкалтарошлик, дизайн, зардузлик, каштачилик сингари унлаб соҳаларда ёш истеъдодларни аниқлашга ёрдам бермоқда.

Бу гал ҳам 200 нафардан зиёд иштирокчини танловга жалб этган фестивалнинг вилоят босқичи ҳар битта йўналиш бўйича ёрқин икти-

дор эгаларини кашф этди.

— Фестивалнинг тасвирий ва амалий санъат йўналишида тақдим этган ишларим муносиб баҳоланди, — дейди анжуман иштирокчиси Ситора Ражабова. — Шунинг баробарида келгусида амалий санъатни янада теран, жозибдор намойиш этиш учун нималарга эътибор қаратиш зарурлигини билиб олдим.

Танловнинг вилоят босқичи голиблари энди "Янги авлод" республика фестивалида ўз асарлари билан иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Зохир ТЎРАҚУЛОВ,
"Адолат" мухбири.

✓ Мутахассис маслаҳати

БОТУЛИЗМДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Ботулизм овқатдан заҳарланиш натижасида пайдо бўладиган ўткир юқумли касаллик ҳисобланади. У асосан марказий асаб тизимининг оғир шикастланишига, асаб ҳамда мушаклар парези ва фалажига олиб келади. Агарда ўз вақтида даво чоралари қўрилмаса, беморларда ҳатто ўлим ҳолатини юзага келтириши мумкин.

Ботулизм тайёқчалари кислородсиз шартда ўса олади ва кўпаяди. Улар ноқулай шартларда тушиб қолганда эса ташқи муҳитга чидамли махсус қобилиятга эга бўлиб қолганда (спора ҳосил қилади) ва кўп йилларгача яшайди. Микроб ўзидан жуда кучли заҳар — ботулинотоксин ишлаб чиқаради. Ботулизм споралари сув ҳавзларида, айниқса, мол гўнги сепилган тупроқда, қорва боқиларидан яйловларда, қўш галаси қўнадиган жойларда кўпроқ учрайди.

Уй шароитида тайёрланган, етарлича ишлов берилмаган консервалар ботулизм касаллиги пайдо бўлишининг асосий сабабчиси. Хомаш ботулизм споралари билан зарарланган бўлса-ю, етарлича стерилизация қилинмаса, консервалардан махсус заҳарланганга айланади.

Шуни унутмаслик керакки, ботулизм микроорганизми организмга тушгандан кейин 3-4 соат, баъзан 2-4 кун ичида касаллик аломатларини юзага чиқаради.

Заҳарланган одамнинг қорнида оғриқ пайдо бўлади, қўш хираланиб, ҳамма нарсга иккитадан бўлиб кўринади. Шунингдек, бемор ютинишга ва гапиришга қийналади, овози бўғилади, боши айланади. Бундай ноқулай ҳолатлар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида қуйидагилар тавсия этилади:

— консерва тайёрлаш мақсадида олинган мевасазоватларни яхшилаб тозалаб, ювиш зарур;

— идишларни, банкаларга қуйиладиган суюқликни ва тайёр бўлган консервлани идиши билан қайнатиш лозим;

— қарам, бодиринг ва помидорни туңука пақир ёки бочкага тузлаш ман этилади;

— қопқоғи ишилган қолган банкадаги консерваларни мулқлаб истеъмол қилмаслик керак.

Жамшид ВОҲИДОВ,
Собир Раҳимов тумани ДСЭМН бўлим мудири.

✓ Илҳом лаҳзалари

ҲАЁТ ЯНГЛИҒ ТАҚДИР ҲАМ ҲАҚДИР...

Александр ФАЙНБЕРГ,
Ўзбекистон халқ шоири

ЭСКИ ФОНУС



Кўйлама у эски фонусни менга,
Пушқин ё Ёлок деб чекмағай фироқ.
Уларнинг шуласи мендан кўп йироқ,
Кўйлама у эски фонусни менга.

Кўйлама менга Русь қаҳратонини,
Қишининг замҳарири ер узра оқар.
Бестужев изида қайғу боклар,
Кўйлама менга Русь қаҳратонини.

Менга у йўлларни кўйламагин сен,
Шамол ҳам тополмас қорли сарҳадлар.
Навжувон Радийев, оғлақ бекатлар,
Менга у йўлларни кўйламагин сен.

Кўйлама у сирли юртлар ҳақида,
Кўйлама мафтункор олис ўшани.
Кўйлама, кўйлама фақат ўшани,
Кўйлама у сирли юртлар ҳақида.

Ўзи йўқ севгини кўйлама, жоним,
Овозинг, бардошинг етмағай бу дам.
Ўчгай у фонусинг муаллафлари ҳам,
Ўзи йўқ севгини кўйлама, жоним.

Абдулла ОРИПОВ таржимаси.

Тайқир — ҳақдир.
Чаранма унга,
Бор қилар, ҳам йўқ қилар тақдир.
Бошқа ёмиш берилмас сенга,
Ҳаёт янглиғ тақдир ҳам ҳақдир.

Эҳтиёт қил руҳи жонингни,
Дунё кенгир доймо кейнга.
Сотма фақат руҳ, имонингни,
Бошқа руҳ ҳам берилмас сенга.

Икки дунё аро шундоқ яшайман —
Дилдорим, сен агар назар солурсан:
Бари ортиқчасин олиб ташлайман,
Бир ўзинг қолурсан, ўзинг қолурсан.

Юлдуз кўзларингни, ой жамолингни
Ою юлдузлардан ўзим қилдим жам.
Мен ўзим тузим-ку бу жамолингни,
Энди ортиқчаман ўзим, жонингман.

Хайр.
Хўш қол.
Бахтли бўл доим,
Ёлғонинг ҳам тўғадир, дилдор.
"Кечир" деган аччиқ, мулоим
Сўзни очик айтмағай зинҳор.

Айрилиқ ҳам бор сандир, билсанг,
Айтилмаган сўзлар ҳам бекор.
Гуноҳгача ўсмаган бўлсанг,
Кечирмоғим сенга на даркор?
Сирожиқдин САЙИД таржимаси.

Томларнинг устидо кўринган замон
Буюк «Сомон йўли» — заррафшон водий,
Шу водийдан менга хатлаб бер макон,
Яратгувчи, ҳукминг — мангу, абадий.

Юракда манмалак завоқин ҳас этиб,
Худое, ожизлик қилиб қўймайин.
Бехуда биронинг дилин оғритиб,
Биронинг ҳаёлини бўлиб қўймайин.

Ўзим билан ўзим қалайин тунда,
Доғули лаҳзалар эсга тушмасин.
Мен учун бегона, ўзга сандида
Менинг оташ болғам ишга тушмасин.

Мени ёт анғизга ҳусм этма, қаҳқор,
Биров ўрган бутқой сомонини йиғмай.
Ўзимни мажбурлаб кўрғам неча бор,
Яшадим мен ўзга қисматга сиймай.

Сен жимсанкми?
Жим тур.
Замон айбдормас,
Ҳеч нима чиқара олмас овозанг.

Қуқралида жомдек ичи бўш юрак
Тили йўқ қўнғироқ каби чалимас занг.

Ҳаёт ҳаёт эмас янги қўнғирсиз,
Эски қўнғирини кўйлама тақдор.
Жим тур. Боғлагувчи янбидан худо
Биргў юлдузлардан майсаларга тор.
Рустам МУСУРМОН таржимаси.

✓ Спорт

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ЧОРАК ФИНАЛДА

МЕКСИКАДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН

Саудия Арабистонида ўтказилаётган футбол бўйича ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионати қизгин паллага кирди. Мусобақада иштирок этаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси гуруҳ учрашувларини муваффақиятли якунлаб, чорак финал йўлнамасини қўлга киритди.

Хабарингиз бўлса, "D" гуруҳидан жой олган вакилларимиз биринчи ўйинни иорданиялик тенгдошларига қарши ўтказиб, 1-0 ҳисобида ғалаба қозонишган эди. Иккинчи ўйинда эса чемпионат фаворитларидан бири деб эътироф этилган Австралия ёшлар терма жамоасига қарши майдонга тушган футболчиларимиз маҳорат бобида "яшил қитъа" вакилларидан ҳеч ҳам қолишмасликларини исботлашди. Мурсосиз курашлар остида ўтган ўйин 1:1 ҳисобида якун топди.

Гуруҳнинг сўнгги учрашувини ҳамюртларимиз Таиланд термасига қарши ўтказишди. Бунга қадар 4 та очко жамғариб, чорак финалга чиқиш учун яхшигина имкониятга эга бўлган футболчиларимизни дуранг натижа ҳам қониқтирар эди. Аммо Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари бу ваифани ортга билан уйдлашди. Ўйиннинг биринчи бўлимида "Пахтакор" клуби аъзоси Санъат Шихов томонидан киритилган гол ягоналигича сақланиб қолди — 1:0.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси чорак финалда хитойлик тенгқурлари билан жаҳон чемпионати йўлнамаси тақдирини ҳал қилишди. Чунки мазкур мусобақада ярим финалгача етиб борган тўртта жамоа Мисрда бўладиган жаҳон чемпионати иштирок этиш имкониятига эга бўлади.



А. Ҳақимов чизган асим.

✓ Эҳтиром

ЭЛ ЭЪЗОЗИДАГИ УСТОЗ

Мактаб ҳовлисида секин одимлаб кириб келаётган нуруний бу одамни педагоглар жамоаси-ю ўқувчилар доим алоҳида эъзоз билан кутиб олишади. Негаки, бутун умрини илм-фанга, болалар тарбиясига бахшида этган табарруқ ёшаги устознинг пана-насиҳатлари, ўғитлари ҳамда ҳаётий тажрибасига ҳамиша эҳтиёжлик сезилади.

Мана, Бекмурод ака Каримовнинг Шўрчи туманидаги 20-ўрта мактабда ўқитувчилик қилаётганига ҳам қирқ йилдан ошибди. У шу йиллар мобайнида тинмай изланди, педагогик маҳоратини оширди, илғор тажрибаларни ўзлаштирди, услубий қўлланмалардан унумли фойдаланди. Замонавий талаблар асосида янги-янги кўргазмаларни ўқув қуролларини яратди ва унинг иш тажрибаси вилоят миқёсида оммалаштирилди.

Ўқитувчилик шундай соҳаки, унда фақат чуқур билимга эга бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Болалар оламини англаш, уларнинг кўнглига йўл топиш, феъл-атвор ҳамда қобилиятга қараб, алоҳида топириқ беришнинг ҳам удалаш керак. Шундагина ўқувчиларнинг ўз кўнглига ишончи тобора ортади, иктидори намойиш бўлади. Айниқса, фан-техника тараққий этган ҳозирги даврда физикадан сабоқ бериш кишидан катта масъулият талаб қилади. Шубҳасиз, илғор технологияларни ўзлаштириб олган ёшларгина мамлакат ривожини тўлиқ таъминлайди. Бекмурод ака Каримов ана шундай тамалга умр бўйи амал қилган ўқитувчилардан.

Сермаслаб меҳнат зое кетмади. Шогирдларининг камолини кўриб, қувониб яшайди.

— Ўйлаб қарасам, ўтган йиллар мобайнида 4500 нафардан зиёд ўқувчига таълим берибман, — дейди устоз майинлик билан. — Уларнинг билимли ва одоб-ахлоқли бўлиб вояга етишишлари учун бор меҳримни бер-

дим. Уларнинг аксарияти мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётирлар. Масалан, Москва Иқтисодий кадрлар тайёрлаш институтининг профессори Равшан Бўронов, Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети катта ўқитувчиси Панжи Бўронов, Яман Халқ демократик Республикасида шартнома асосида меҳнат қилаётган малакали шифокор-жарроҳ Бекназар Раимов ва бошқаларнинг самарали фаолиятларидан фохрланиб юраман.

Дарҳақиқат, ўқитувчи юзини ёруғ қиладиган, меҳнатини юзага чиқарадиганлар унинг шогирдларидир. Шўрчи туманидаги қатор тажрибали педагоглар ҳам Бекмурод акани ўзлари ҳам худдалаш керак. Дарвоқе, у оилада меҳрибон ота, невараларига суюкли бува. Турмуш ўртоғидан эрта қилиб бўлса-да, 70 нафар фарзандини жамиятга керакли шахслар қилиб вояга етказди. Барчалари уйли-жойли, маълумотли. Улар халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида самарали меҳнат қилишяпти.

1962 йилда Тошкент Давлат педагогика институтининг "Физика ва меҳнат" факультетини муваффақиятли тугатган ва 46 йилдан бери ёшларга таълим-тарбия бериб келаётган табарруқ устоз бу йил 70 ёшини қаршилайди. Шу боис, меҳрибон мурабби, жонқуяр ўқитувчимизга бундан кейинги ҳаётларини ҳам сермазмун ўтишини тилаб қоламиз.

Эсон ЯНГИБОВ,
Шўрчи тумани.

ADOLAT
ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСІЙ КЕНГАШИ
www.adolat.uz

Бош муҳаррир
Холтўра ШАҒОАТОВ
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган
Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият — 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими — 236-55-64
Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир хайъати
Исмомил САИФНАЗАРОВ,
Алишер МУМИНОВ,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Жовдхон ИНОҒОМОВ,
Зухра БОТИРОВА,
Иқбол МИРЗО,
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Муҳаммад АЛИ,
Мамазоир ХҲАМБЕРДИЕВ,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Равшан ХАЙДАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Тайпаб МУРОДОВ.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланиши
• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят руҳсати билан амалга оширилади.
t — Тижорат мақолалар белгиси.
Нашир индекси — 100
Навбатчи муҳаррир — Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ
Навбатчи — Фарҳод ЭСОНОВ
Саҳифаловчи — Собиржон ТУНҒАТОВ